RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 7-oktabr • Seshanba • 123 (27.928) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон ва Латвия ўзаро ишончли иқтисодий шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2007 йилда қарийб 50 фоиз юксалди. 2008 йилнинг январь-июль ойларида эса 187 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари билан шерикликда 19 қўшма корхона тузилган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭГА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 5 октябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистонда Латвия билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади. Рига ҳам Тошкент билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Бунда икки мамлакатнинг сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлиги муҳим ўрин тутади.

Ислом Каримов ҳали совет тузуми парчаланмай туриб, Латвиянинг мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларини, бу мамлакат мустақиллиққа эришгач эса, унинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Латвия 2004 йилнинг январида НАТОга аъзо бўлганида Ўзбекистон раҳбари ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун ўз мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлаган. Ўша йилнинг май ойида Латвия Европа Иттифоқига аъзо бўлди ва бу Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди.

Латвия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидандир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш баробарида транзит юк ташиш борасида ҳам ишончли ҳамкорлардир. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Ғарб давлатларига Латвия бандаргоҳлари орқали экспорт қилади. ЕИ аъзоси сифатида Латвия халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга. Айни пайтда Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Латвия учун бутун Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Икки мамлакат ўртасидаги сўнгги олий даражадаги учрашув 2004 йилнинг апрелида Ригада — Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи асосида бўлиб ўтган эди. Энди Латвия Президенти Ўзбекистонга келди. Бу ташриф ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ҳар томонлама кенгайтиришга икки давлатнинг интилиши муштарак эканидан далолатдир.

Ташриф 6 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Валдис Затлерс Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ушбу олий даражадаги учрашув ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш ва муҳокама этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

— Ўзаро алоқаларимиз узоқ тарихга эга, — деди Ислом Каримов. — Сизнинг юртимизга ташрифингиз Латвия томонининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқи ва истак-хоҳишининг ёрқин намоёнидир.

Валдис Затлерс Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Латвия томони ушбу ташрифга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг нуфузли давлатлардандир, — деди Валдис Затлерс. — Мамлакатларимизни ҳар доим дўстона алоқалар бир-бирига яқинлаштириб келган.

Президентлар Тошкентдаги олий даражадаги учрашув ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим босқич бўлишини, бу борада икки мамлакатда орттирилган бой тажриба ҳамкорликка янги суръат бахш этиш ва мазмунини бойитиш учун пухта асос бўлишини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини, аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти НАТОнинг Будапешт саммитида илгари сурган таклифини яна бир карра баён этди: 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3» гуруҳига айлантириш зарур.

Валдис Затлерс Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалалари борасидаги нуқтаи назари ва таклифларини юксак қадрлашини қайд этди.

Ислом Каримов ва Валдис Затлерс мулоқотни Ўзбекистон ва Латвия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро ҳамкорлик ва шериклик алоқалари икки томонлама манфаатдорлик руҳида ривожланаётганини, бугунги музокаралар муносабатларимизга янги суръат бахш этишига қатъий ишонишини таъкидлади.

Валдис Затлерс Латвия мамлакатимиз билан муносабатларга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Латвия ўзаро ишончли иқтисодий шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2007 йилда қарийб 50 фоиз юксалди. 2008 йилнинг январь-июль ойларида эса 187 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари билан шерикликда 19 қўшма корхона тузилган. Улар тўқимачилик, радиоалоқа воситалари, электроника маҳсулотлари ва мебель ишлаб чиқариш, машинасозлик, фармацевтика каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Латвияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда таъсис этилган қирққа яқин қўшма корхона бор.

Ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2004 йилги Рига саммити асосида консуллик конвенцияси имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум нафақат молия муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш, балки бизнес вакилларининг шериклигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Латвиянинг иқтисодий муносабатларини икки мамлакатнинг имкониятларига мос даражага кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Савдо уйлари очиш, авиақатновларни кўпайтириш, транзит соҳасида ҳамкорлик шулар жумласидандир. Масалан, Латвия билан Скандинавия мамлакатлари ўртасида фаол ҳаво транспорти қатнови йўлга қўйилган. Шу маънода, Латвия Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё учун Скандинавияга яхши кўприк вазифасини ўташи мумкин. Айни пайтда Ўзбекистон Скандинавия ўлкалари учун Осиёга робита бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар жуда кўп. Жумладан, Ўзбекистон пахта толасини Латвия тўқимачилик корхоналарига бевосита етказиб бериши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Латвия бизнесини юртимизда ўтказиладиган пахта, тўқимачилик ярмаркаларига кенг жалб этиш лозим. Ҳамкорликда Ўзбекистонда фақат пахта эмас, балки ипак, полиз экинлари ва мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш мумкин. Шу йўл билан Ўзбекистон ва Латвия бозорларини тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, айни пайтда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи бозорларидаги ўрнимизни янада кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

(Давоми 2-бетда)

✓ 2008 йил — Ёшлар йили

САМАРҚАНДДА ҲУҚУҚШУНОСЛИК КОЛЛЕЖИ

Самарқанд шаҳрида 900 ўринли ҳуқуқшунослик касб-ҳунар колежи ўз фаолиятини бошлади. 2 миллиард 600 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлаган янги коллежда 200 ўринли ётоқхона, кутубхона, замонавий қуроллар билан жиҳозланган кимё, биология ва компьютер хоналари ўқувчилар хизматида. Ҳозир бу илм масканида 450 нафарга яқин йигит-қиз 5 та мутахассислик бўйича таҳсил олишяпти. Бўлажак ҳуқуқшуносларга 50 нафардан ортиқ тажрибали ўқитувчи-мураббийлар таълим-тарбия беришяпти.

Суратларда: *коллеж талабалари машғулот пайтида.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қўқон шаҳрида «Юнимобайл» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур корхона аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Коммунал хизмат сифатини тубдан яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур янги корхона ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Натижада маиший чиқиндиларни аниқ жадвал асосида ташиб кетиш ва тозалаш йўлга қўйилди. Бунинг учун замонавий техника ва транспорт воситалари жалб этилмоқда.

Шунингдек, қўшма корхонанинг жойлардаги шохобчалари ёрдамида аҳолидан табиий газ, иссиқ ва совуқ сув учун тўловлар ва бошқа коммунал тўловларни қабул қилиб олиш борасида ҳам қулайлик яратилди.

Янги қўшма корхона ишга тушиши билан 35 янги иш ўрни очилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1011,30
1 Англия фунт стерлинги	2351,26
1 Дания кронаси	243,90
1 БАА дирхами	363,02
1 АҚШ доллари	1333,29
1 Миср фунти	245,23
1 Исландия кронаси	11,77
1 Канада доллари	1227,14
1 Хитой юани	194,68
1 Малайзия рингити	382,91
1 Польша злотийси	533,55
1 СДР	2047,27
1 Туркия лираси	1012,91
1 Швейцария франки	1177,19
1 ЕВРО	1818,61
10 Жанубий Корея вони	10,54
10 Япония иенаси	127,78
1 Россия рубли	51,48
1 Украина гривнаси	273,79

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОБУНА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари обунасини ташкил қилиш бўйича вазифалар белгиланди

Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари партиянинг дастурий мақсадларини электорат ўртасида кенг тарғиб этиш, мамлакатда кечаётган ислоҳотлар ва дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни холис ёритиш каби масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда.

Албатта, бу ишларнинг самараси қай даражада бўлиши обуначиларнинг сони ошишига, газеталар қанчалик кўпроқ меҳнат жамоалари ва хонадонга кириб боришига бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам обуна мавсумига партия ташкилотлари, таҳририят алоҳида эътибор билан ёндашади.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига Ўзбекистон ХДП тузилмаларида, шунингдек, оммавий миқёсда 2009 йил учун обунани ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда бу йўналишдаги вазифалар белгилаб олинди.

2-бет

✓ Ислоҳот — тараққиёт омили

ЮКСАЛАЁТГАН, КЎРК ОЧАЁТГАН ШАҲАР

Мустақиллик йиллари Чирчиқ шаҳри гуллаб-яшнади, деса дегулик. Барча соҳаларда туб ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, саноат жадал ривожланди. Салоҳиятли корхоналар бугун ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорини забт этиб, Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда.

3-бет

БУГУНГИ СОНДА:

• ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ 2
• «ДУНЁДА ҚАНДАЙ ВАЗИЯТ ҲУКМ СУРМОҚДА?» 3
• Футбол ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ 4

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасида айирбош қилинаётган товарлар ва хизматлар рўйхатини тубдан қайта кўриб чиқиш, икки томонлама фойдали савдо учун преференциялар яратиш ҳам долзарб масалалардан. Дейлик, Ўзбекистон шакар импортчиси саналади, конфет ва шоколад, денгиз маҳсулотларининг муайян қисмини четдан келтиради. Латвия эса айни шу маҳсулотларни экспорт қилади. Демак, ўзаро мақбул нарх ва шартлар билан экспорт-импорт операцияларини кўпайтириш, шу билан бирга, Ўзбекистонда конфет ва шоколад ҳамда балиқ консервалари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар тузиш учун имконият бор.

Икки мамлакат иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи бундай жиҳатларга кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона темир йўл транспорти воситаларини таъмирловчи корхона ишлаб турибди. Латвияда эса локомотивлар, трамвайлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон томони Марказий Осиёдаги Латвияда ишлаб чиқарилган темир йўл транспортига сервис хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олиши мумкин.

Икки мамлакат ҳам автомобилсозлик соҳасида катта тажрибага эга. Кундалик ҳаётда, халқаро савдода, сайёҳликда ва кўплаб бошқа соҳаларда транспорт воситаларининг аҳамияти кун сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ҳамкорлик икки мамлакат манфаатларига ҳам бирдай хизмат қилади. Логистика, қоғоз, мебелсозлик, ахборот технологиялари, фармацевтика... Қўшма корхона тузиш икки томон учун ҳам фойдали бўлган соҳалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу масалалар Валдис Затлерса ҳамроҳлик қилаётган латвиялик ишбилармонларнинг йирик делегацияси билан Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Латвия бизнес-форумида ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Латвия адиблари, маданият ва санъат намояндалари, академик доиралари ўртасида яқин муносабатлар қарор топган. Бу гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йили Латвияга ташрифи асносида Риганинг энг сўлим гўшаларидан бири — Кронвольда боғида буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкали очилгани икки халқнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Латвия заминида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали халқларимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Ўзбекистон Банк-молия академияси билан Латвиянинг Олий банк мактаби ўртасида қабул қилинган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри билан Латвия миллий операси ўртасида бевосита алоқа ўрнатилган.

Музокарада гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда ҳам, Латвияда ҳам тарихий жойлар, қадимий обидалар, дам олиш масканлари кўп. Бу сайёҳликни ривожлантириш учун яхши имконият. Икки мамлакат туризм компаниялари яқин ҳамкорликда ишлаб, табиат қўйнида дам олишни истаганларга Ўзбекистонда тоғ, Латвияда денгиз сайёҳлигини таклиф қилиши мумкин. Шунингдек, фармацевтика ва тиббий диагностика, ахборот коммуникациялари каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, тажриба алмашиш ўзаро фойдали бўлур эди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда солиқ соҳасида қўшма маъмурий ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, саноат мулкини муҳофаза қилиш соҳасида ахборот алмашиш, таълим соҳасида ҳамкорлик, аккредитация соҳасида ҳамкорлик, стандартлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Валдис Затлерс музокаралар самарали бўлгани ва дўстона руҳда ўтганини қайд этдилар. Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беришини таъкидладилар. Кўрилган барча масалалар юзасидан фикр ва ёндашувлар яқин ва ўхшаш бўлгани маълум қилинди.

— Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг дастлабки етти ойида бутун 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоиз ошди, — деди Ислом Каримов. — Бундай юксалиш давом этади, дейиш учун барча асослар бор. Ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ҳамкорликка устувор аҳамият берамиз. Биз транспорт коммуникациялари, қайта ишлаш саноати, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдик.

— Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад Латвия — Ўзбекистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат, — деди Валдис Затлерс. — Биз икки томонлама алоқаларнинг истиқболи порлоқ ва ҳамкорлигимиз икки томон учун ҳам манфаатли бўлишига қатъий ишонамиз.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Латвия Республикасининг олий давлат мукофоти — «Уч юлдуз» орденини топширди.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерсга Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шу куни Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон истиқлолимиз ва порлоқ келажагимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Латвия раҳбари Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ушбу майдонни мустақилликнинг чинакам рамзига айлантирганини, унга ҳуррият руҳини бағишлаганини таъкидлади.

Валдис Затлерс Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Меҳмон мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолияти билан танишди.

Латвия Президенти Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди, Олой бозорида бўлди.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 6 октябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Латвия Сармоялар ва ривожланиш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, қоғоз саноати, мебелсозлик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фан-таълим, спорт ва маданият, сайёҳлик ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг юртимизга ташрифи давомидаги олий даражадаги мулоқотлар ва мазкур форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани кўплаб мамлакатларнинг юртимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Латвиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2007 йили ушбу кўрсаткич 123,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг етти ойида эса 187 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган ўн тўққиз қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш саноати, улгуржи савдо ҳамда хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Ўз навбатида, Латвияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган қирққа яқин қўшма корхона иш юритмоқда. Улар асосан меҳмонхона, суғурта ва транспорт-экспедиторлик бизнеси билан шуғулланади.

Форумда Латвия ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, кончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани ва унинг юксалиши жорий йилнинг биринчи ярмида 9,3 фоизни ташкил этгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

— Латвия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди Валдис Затлерс. — Мамлакатларимиз ўртасида узоқ йиллар давомида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Биз Ўзбекистон бозорини ўзимиз учун истиқболли деб биламиз. Ишончим комилки, бугунги мулоқотлар икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бизнес-форумда, унинг секциялардаги мажлисларида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил ва мебелсозлик саноати соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Латвия фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон билан Латвиянинг кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, — деди Латвия Сармоялар ва ривожланиш агентлиги директори Андрис Озолс. — Икки томонлама фойда келтирувчи бу жараён мамлакатларимиз ишбилармонларининг тўғридан-тўғри амалий мулоқотларни кенгайтиришдан манфаатдорлигига асосланади. Тарихан Латвия ҳам, Ўзбекистон ҳам халқаро савдо йўллари чорраҳасида жойлашган ва бу омилдан бугунги кунда ҳам савдони ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит бу жараённи ривожлантиришга хизмат қилади.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компанияларидан икки юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нечоғли катта эканидан далолатдир.

Латвиянинг «Шлокенбека» МЧЖ директори Марис Паидерснинг фикрича, Ўзбекистон улкан хомашё захирасига эга бўлиб, бугунги кунда ундан жаҳон стандартлари даражасидаги турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу материалларга Латвияда эҳтиёж катта. Бизнесмен таъкидлаганидек, ушбу форум маҳсулотни тўғридан-тўғри етказиб беришни йўлга қўйиш имконини беради. Бу ҳақда дастлабки келишувларга эришилган.

Хусусан, «Trasta Komercbanka» (банк-молия), «Шлокенбека», «Столлер» (қурилиш), «Les Trans», «ATN» (мебелсозлик), «Холтер», «Stats Invest» (сармоя), «Komerccentrs Dati Grupa» (ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар), «Vae Riga» (транспорт, логистика), «Лиепаяс Металургс» (металлни қайта ишлаш), «Nemo Real» (сайёҳлик), «Arsanda» (қоғоз маҳсулотлари ва қадоқлаш), «Иньграль» (озиқ-овқат саноати), «Geo Consultants» (атроф-муҳит муҳофазаси) каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Латвия Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, «Ўзинфоинвест» ахборот таъминоти ва хорижий сармояларга ёрдам кўрсатиш агентлиги билан Латвия Сармоялар ва ривожланиш агентлиги ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, шунингдек, қоғоз маҳсулотлари, қурилиш материаллари, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларига оид қатор ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди. Шу куни латвиялик бизнесменлар Ўзбекистоннинг айрим корхоналари фаолияти билан танишдилар.

Ирода УМАРОВА,
Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбирлари

ОБУНА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, унда обунани уюштиришда ўтган йилларда партия ташкилотлари ва газеталар таҳририяти томонидан йўл қўйилган сусткашликлар, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаслик натижасида партиямиз марказий матбуот нашрларининг умумий адади етарли даражада бўлмагани, ҳаттоки, айрим партия кенгашларининг ўзлари йиллик обунани амалга оширмагани айтиб ўтилган. Шу сабабдан ўтган мавсумда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, обунани янгича йўналиш ва усулларда ташкил этиш, партия ташкилотлари, фаоллари ва нашрлар таҳририяти вакилларининг масъулиятини ошириш лозимлиги, парламент ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига сайловлар йили келаётганини ҳисобга олиб, обуна масаласига жиддий ёндашиш уқтириб ўтилди.

Қарорда ҳар йилгидан фарқли ҳолда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бу гал партия марказий матбуот нашрларига 2009 йил учун обунани асосан партия тузилмаларида ташкил қилиш ҳамда ўтказишда бевосита масъул эканликлари белгиланган. Шундан келиб чиқиб, партиянинг ҳар бир бошланғич, маҳаллий ва минтақавий ташкилотлари ЎзХДП марказий матбуот нашрларига обуна бўлишлари шартлиги айтиб ўтилган.

Партия марказий нашрлари обунасини оммавий тарзда — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат ва жамоат муассасалари, ўқув юртларида, иқтисодиёт, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, қишлоқ хўжалик субъектлари ва аҳоли бошқа турли қатламлари ўртасида ўтказишга «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти масъуллиги таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларидаги ЎзХДП депутатларига ўз сайлов округлари ҳудудида истиқомат қилувчи кўмакка муҳтож оилалар, партия электорати вакилларини обуна қилдиришда кўмаклашиш, Марказий Кенгаш, маҳаллий партия кенгашлари сайланма органлари аъзоларига обуна мавсумида фаол иштирок этиш тавсия этилди.

Обуна мавсуми самарадорлигини ошириш, ХДП даврий нашрларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда партия матбуоти кунлари, журналистларнинг газетхонлар билан учрашувларини ўтказиш режалаштирилди.

— Бу йилги обуна мавсумида минтақавий партия кенгашларимиз учун аниқ вазифалар берилди, — дейди Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Улар асосан партиямиз тизимида обунани ташкил этишга масъулдирлар. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий, минтақавий кенгашларимиздан тортиб, бошланғич ташкилотларимизгача бу йилги обунада фаол иштирок этиб, тарғибот ишларимиз самарали бўлишига ўз ҳиссаларини қўшади деб ўйлайман.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

✓ **ЎзХДП ҳаёти**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Маълумки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатлари учун курашиш, меҳнат билан тўлиқ бандлигига эришиш ЎзХДП фаолиятининг устувор йўналиши саналади. Наманган туман партия кенгаши Бандликка кўмаклашиш маркази билан шу мақсадда яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ёшлар йилида бу алоқа янада мустаҳкамланмоқда.

Марказ директори Шухратжон Ғозиевнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида 2724 нафар вақтинча ишсиз фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 2346 нафари ўзига маъқул ишга жойлаштирилди. 221 киши эса 11 та корхонада ажратилган квота ўринларига жалб этилди. Шунингдек, туманнинг Юқори Ровустон қишлоғида жойлашган «MRT TEXTILE» масъулияти чекланган жамият 400 кишини ишга қабул қилди. Бир вақтнинг ўзида корхонада Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти ҳам тузилиш арафасида.

— ХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ҳам ёшлар ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилади, — дейди партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Умиджон Солиев. — Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорлигимизнинг мустаҳкамлиги шундан. Биргаликда кўплаб меҳнат ярмаркалари ўтказдик. Йил охирига қадар фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, яъни уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган яна қатор тадбирлар ўтказиш ниятидамиз.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

воқеалар, ҳабарлар, янгиликлар

Фарғона вилоятида Ўзбекистон ХДП ғояларига хайрихоҳ, замонавий билимларни мукаммал эгаллаган, ташаббускор ёш фаоллар ўртасидаги «Ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танловининг маҳаллий босқичлари қизғин ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Қўқон нефть ва газ саноати коллежида ташкил этилди. Унда Бешариқ, Бувайда, Риштон, Учкўприк туманлари ва Қўқон шаҳри ёшларининг сиёсий ҳаётдаги фаоллиги, қабул қилинган қонунлар, қарорлар ҳақидаги билимлари синовдан ўтказилди. Баҳслар натижасига кўра, Бувайда туман Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Ғайрат Мамадалиев ўзининг ҳуқуқий билими, ташаббускорлиги, сиёсий саводхонлиги ва сайловолди номзодлик дастурига оид шартлар бўйича биринчи ўринни эгалаб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда Кегейли туманидаги «Елмурат» фермер хўжалигида «Мустақиллик ютуқлари» мавзуида суҳбат ўтказишди.

Янгиариқ туман партия кенгаши Охунбобоев номидаги касб-ҳунар коллежида Парламент томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши раиси Р.Машарипова «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталди. Шунингдек, у мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор инсонпарварлик ва бағрикенглик намунаси эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.



ИШ КЎЛАМИ ОРТМОҚДА

«Китоб темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган қурилиш материалларига эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

— Жамиятимизда 170 нафар киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбари Рустам Комилов. — Жорий йилда 10 минг куб метр темир-бетон буюмлари, 90 минг куб метрга яқин шағал, шибин, ювилган қум маҳсулотларини тайёрлаб, буюртмачиларга жўнатишни ният қилганмиз. Яқинда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида иккита «Супер — МАЗ», иккита прицептиркама ва учта енгил автомашина харид қилдик.

Айни пайтда жамият томонидан тайёрланаётган темир-бетон плиталар, пойдевор блоклари ва қум, шағал маҳсулотларидан вилоятда барпо этилаётган коллеж, лицей бинолари, саноат корхоналари иншоотлари ҳамда темир йўл қурилишларида кенг фойдаланилмоқда.

Суратларда: *карьер цехида жамият сардори Рустам Комилов (ўртада) бульдозерчи Алишер Танибердиев ва цех бошлиғи Юнус Жалилов янги иш режалар ҳақида фикрлашмоқдалар; норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётган карьерда иш қизғин.*

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЮКСАЛАЁТГАН, КЎРК ОЧАЁТГАН ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ОЛТИН ГЛОБУС»

Шаҳардаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати мамлакатимиз ишлаб чиқаришининг юксалиши ва дунё иқтисодиётига монанд ривожланишига қўшган ҳиссаси эвазига 1994 йили халқаро тадбиркорлар ассоциацияси эътирофига сазовор бўлиб, махсус «Олтин глобус» совринини қўлга киритганди. Бироқ, ҳаял ўтмай, бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги мураккабликлар корхонадаги иш маромини бузди. Уларни бартараф этиш ниятида мулк шакли ўзгартирилгани, санация чораси қўлланилгани фойда бермади. Охир-оқибат, комбинат банкрот корхоналар рўйхатига киритилиб, ташқи бошқарув тамойили жорий этилди. Кечиктирилган молиявий мажбуриятлар ва мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари узайтирилди. Шу асно республикамиз ҳукумати ҳам амалий ёрдам кўрсатди. Аввало, юртимизда ноёб металларни қазиб олиш кўпайди. Сўнгра ички имкониятлар ва хорижий сармоялар ишга солиниб, менежментлик тизими йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш харажатлари мақбуллаштирилди.

— Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли, — дейди корхона ташқи бошқарувчиси Илҳом Асадов — комбинатимиз қисқа фурсатда қарзлардан қутулиб, қаддини ростлаб олди. Одатдагидек, гидрометаллургия ҳамда кукун металлургияси усулидан фойдаланиб, нодир металлар тузлари, қаттиқ қотишмалар, вольфрам, молибден штабиклари ва кукунлари, симлари, юмалоқ ва ясси шаклли прокатлари, монокристаллари ва буюмлари, яхлит қаттиқ қотишмали асбоблар, электр лампа сингари 130 дан ортиқ товар маҳсулот ҳамда 50 турга яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқара бошлади. Асосан космик ва нанотехнология соҳаларида асқотадиган маҳсулотлари билан яна пешқадам корхоналардан бирига айланди.

Дарвоқе, жамоа аҳли ўтган йили 35,8 миллиард сўмлик товар маҳсулот тайёрлаб, режани ортиғи билан уддалади. Хорижга 27,7 миллион долларлик маҳсулот жўнатди. Жорий йилда эса ишлаб чиқариш ҳажмини 20-25 фоизга ўстиришни, экспорт маҳсулотлар қийматини 35 миллион долларга етказишни мўлжаллаяпти.

Негаки, сўнгги йилларда ҳукуматимиз корхонанинг асосий хомашё манбалари — Ингичка, Яхтон, Қўйтош, Саутбой ва Лангар ҳудудларидаги янги вольфрам конларини ўзлаштириш, эскиларини қайта тиклаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрмоқда. Қолаверса, жаҳон бозорида вольфрам маҳсулотларига эҳтиёж ҳам кучайди. Шу боис, корхона маҳсулотлари бугунги кунда Германия, Исроил, Ҳиндистон, Сингапур, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда назарга тушди.

МИЛЛИЙ КИМЁ САНОАТИ ҚИРРАЛАРИ

Собиқ «Электркимёсаноат» комбинати диёримиздаги забардаст корхоналар сирасига киради. Суюқ техник аммиак, азот кислотаси, капролактам, қуюқ ва суюқ углекислота, аммиак ва метанол учун катализаторлар тайёрлаш билан бирга, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи аммиакли селитра, аммоний сульфат ва карбамид сингари маъданли ўғитлар ҳам ишлаб чиқаради. Уларни юртимиз деҳқонларидан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Туркия, Эрон, Буюк Британия, Голландия, Болгария, Бразилия, Мисрдаги мижозларига ҳам етказиб беради. Бинобарин, корхонада экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи кимё маҳсулотларини кўпайтириш Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, бу ерда Юртбошимизнинг «2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида дунёдаги бешта ажойиб машинадан биттаси ҳисобланмиш йирик тоннали «Аммиак-76» агрегатини замонавийлаштириш ишлари авж олдириб юборилди.

Табиийки, комбинатнинг келажаги порлоқлиги чет эллик етти ўлчаб бир кесадиган инвесторларда катта қизиқиш уйғотди. Пировардида бултур унинг **49 фоиз акцияси Испаниянинг машҳур «Maxam crop.SAU» компаниясига сотилди. Ўз навбатида, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра, комбинат номи «Maxam-Chirchik» деб ўзгартирилди. «Аммиак-76» агрегатини реконструкция қилиш учун эса 24,8 миллион доллар сарфлаш белгиланди.**

Мазкур маблағнинг қарийб ярми Ўзбекистон Республикаси Реконструкция ва тараққиёт жамғармаси, 4 миллион доллари «Maxam crop.SAU», қолгани завод ҳисобидан ажратилди. Кўзда тутилган режаларни рўёбга чиқариш учун МДҲнинг энг тажрибали ва техник жиҳатдан бақувват корхоналари жалб этилди. Чунончи, Россиянинг «Атоммаш-энергомаш» комбинатига генераторлар, «Уралхиммаш» заводига экран қувурлари етказиб бериш буюртмаси берилди. Миллий кимё саноатимизни қайта қуришга чет эл сармояларини муваффақиятли йўналтиришнинг ёрқин намунаси саналмиш бу лойиҳа ҳам ҳадемай ижобий самарасини бериши муқаррар.

«Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти азалдан кимё, нефть-газ саноати, кон-қидирув ҳамда бебаҳо табиий бойликларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида фойдаланиладиган машина-ускуналар, турбокомпрессорлар, насос ва бошқа жиҳозлари билан тилга тушган. Истиқлол йиллари ундаги цехлар янгиланиб, маҳсулот тури кўпайтирилди. Соҳа учун зарур сепараторлар, фильтр ва эжекторлар, газни паст ҳароратда сепарациялаш, нефть ва газ конденсати қазиб олиш, пропан-бутан аралашмаси ажратиш ускуналари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Натижада сўнгги тўрт йил ичида ялпи маҳсулот ҳажми салкам олти бараварга ортди.

Бултур қарийб, 18,3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Уни сотиш 46,1 фоизга кўпайиб, соф фойда 1,7 миллиард сўмдан ошди. Корхонанинг хорижий ҳамкорлари сони 24 тага етди. Ана шундай ютуқлари эвазига у Москвада бўлган халқаро саммитда «Миллий иқтисодиёт етакчиси» нишони билан тақдирланди. Жорий йилнинг етти ойи давомида ҳамкорларга 14,7 миллиард сўмлик машина-ускуналар ва халқ истеъмоли моллари етказиб берилди.

Суратларда: «Чирчиққишмаш» ОАЖ ҳаётидан лавҳалар.

Д. АҲМАД олган суратлар

МАШИНАСОЗЛИКДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Машинасозликдан сўз кетганда, бизнингча, «Чирчиққишмаш» очиқ акциядорлик жамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сабаби, истиқлол йиллари бу корхонада ҳам диққатга молик ислоҳотлар амалга оширилди. Ерни ҳайдаш, текислаш, ўғитлаш, ғўза ва бошқа экинлар ораларини юмшатиш, эгат ва пушта олишга мўлжалланган ўнлаб хил универсал чизелькултиваторлар, осма плуглар, сихмолалар, канал қазийдиган ва текислайдиган агрегатлар, элликдан ортиқ бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган бўлди.

Маҳаллийлаштириш дастурига биноан, ПН-3-30, ПД-4-45 плуглари ва КХУ-4Б культиваторларини, шунингдек, Россиядан харид қилинадиган «ДТ-75», «Т-4», «ВТ-150» русумли занжирли тракторлар тиракларини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фермерлар ва шахсий томорқа эгаларига қулайлик туғдириш мақсадида техникаларни лизинг асосида сотиш жорий этилди. Бу янгиликлар корхона мавқеини чандон ошириб, харидорлари сафини кенгайтирди. Шунга мувофиқ, биргина жорий йилнинг дастлабки ярмида 3,8 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари ва эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Тожикистонлик ва туркманистонлик буюртмачиларга экспорт маҳсулотлар жўнатиш режаси роппа-роса 542 фоизга адо этилди.

— Мен узоқ йиллардан буён шу корхонада ишлайман, — дейди тажрибали чилангар Ферид Мустафоев. — Аммо жамоамиз бирор марта ҳам бундай муваффақиятларга эришганини эслай олмайман. Энг муҳими, биз меҳнатимизга яраша рағбат кўраяпмиз. Айтайлик, ҳамкасбларимнинг ўртача ойлик маоши икки йил бурун 63 минг сўм атрофида эди. Айни кеча-кундузда тўрт бараварга ошди. Бу заводимизда меҳнат қилаётган 588 нафар кишининг хонадонига файз-барака киришига хизмат қилаяпти...

Шукроналик билан йўғрилган бундай илиқ сўзларни шаҳардаги трансформатор заводи, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Испания, Германия, Ҳиндистон инвесторлари сармоя киритган «Бурсель Тошкент текстиль», «Daeshin Megateks», «Ҳаракат плюс», «Бриз» қўшма корхоналари ишчи-хизматчиларидан ҳам эшитиб, қалбимизда фахру ғурур завқларини туйдик.

ОБОДЛИК

Ҳа, иқтисодий ўсиш бор жойда хотиржамлик барқарор бўлади, бунёдкорлик авж олиб, маҳалла-гузарлар ободонлашади. Оилаларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланиб, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари жўш уради. Зеро, Чирчиқда ҳам аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қариялар ҳурматини жойига қўйиш, одамларни иш билан таъминлаш, эл соғлиғини мустаҳкамлаш, халқ таълими ва спортни ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаяпти.

«Кимёгар» спорт мажмуаси, маҳаллаларда алоҳида стадионлар, 28 та умумтаълим мактаби, 1 та академик лицей ишлаб турибди. 8 та касб-ҳунар коллежида 30 дан зиёд йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳар йили 400 нафар йигит-қиз спортнинг деярли барча тури бўйича тақсил олаётган Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи эса эндиликда том маънода мамлакатимиз терма жамоаларига муносиб аъзолар ва номзодлар етказиб берувчи даргоҳга айланди.

Йиллар оша бу ердан кўплаб маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. Улардан 31 нафари жаҳон чемпионати ва биринчилигида, 17 нафари Осиё ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. У.Мустафоев кураш, Ф.Тўраев дзюдо, В.Абрамов велопойга бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медаллар соҳиби бўлишди. И.Мўминбеков оғир атлетика бўйича Осиё биринчилигида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Таниқли дзюдочи Мирали Шарипов жорий йил августида Пекинда бўлган XXIX ёзги олимпиада ўйинларида бошқа спортчиларимиз қатори юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилгани учун Юртбошимиз Фармонига кўра, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Шаҳарда Ёшлар йили муносабати билан ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. **Юзлаб йигит-қизлар ишга жойлаштирилди. Навқирон оилаларга маиший турмуш шароитини яхшилаши, рўзғор буюмлари сотиб олиши учун 164,4 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратил-ди. 92 хонадонли иккита кўпқаватли уй қуриб берилди.**

Эришилаётган салмоқли ютуқлар чирчиқликларни янгинянги марралар сари чорламоқда. Улар келгусида ҳам ўз меҳнатлари, билим ва иқтидорлари билан мустақил юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ниятда яшамоқдалар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюта жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органларига давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда солиқ ва валютага оид жиноятлар, ҳуфёна иқтисодиётга қарши курашиш вазифалари юклатилган. Департаментнинг Миробод туман бўлими ходимлари солиқ ва валютага оид жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан аниқлашяпти. Натижада қинғир ишга қўл урганлар сири тез фурсатда фош этиляпти.

Асосий эътибор эса шу хилдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган.

Суратда: Департаментнинг Миробод туман бўлими масъул ходимлари Фарҳод Абдушукуров ва Юнусжон Мамадалиев тадбиркор билан суҳбатлашмоқда.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.

Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йил Манзилли дастурига киритилган Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги «Олимпия захиралари» коллежи таркибидаги «Ёпиқ сузиш ҳавзаси» объектини капитал таъмирлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2009 йил 31 майгача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: ***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.***

Телефон/факс: (8-372) 222-31-59, 222-46-40.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.
Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ОБОМАНИ АЙБЛАШМОҚДА

Республикачилар партияси миллий қўмитаси Демократлар партиясидан Америка Қўшма штатлари президентлигига номзод Барак Обамани сайловолди курашларига моддий маблағ йиғишда айблади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Телефон орқали бўлган конференц-мулоқотда қўмитанинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Шон Кэрнкросс Обаманинг сайловолди штаби содир этган ҳуқуқбузарлик юзасидан Сайловлар бўйича федерал комиссияга шикоят қилишини айтди. Унинг фикрича, демократлар битта манбадан белгиланган миқдордан ортиқ хайрия пули тўплаган. Қонунга биноан, битта шахсдан 2300 доллардан ортиқ хайрия олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, республикачилар демократларни муҳожирлардан пул йиғишда ҳам айблашмоқда.

«ДУНЁДА ҚАНДАЙ ВАЗИЯТ ҲУКМ СУРМОҚДА?»

Франциянинг Эвиане шаҳрида жаҳон сиёсатига бағишланган илк Конференция (World policy conference) иш бошлади. Унда Туркия президенти Абдулла Гул, НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффер, Европарламент раҳбари Ханс-Герт Поттеринг, Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнер, Сербия президенти Борис Тадич, Европа Иттифоқига аъзо 15 давлат молия вазирларини бирлаштирувчи Европа гуруҳи раҳбари ва Люксембург бош вазири ҳам иштирок этяпти.

Интернет манбааларида айтилишича, Франциянинг халқаро муносабатлар институти ташаббуси билан ўтказилаётган уч кунлик форумда етакчи давлатлар раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар глобал муаммолар, уларнинг ечими тўғрисида баҳс олиб боради. Конференцияда «Дунёда қандай вазият ҳукм сурмоқда?», «Унинг ривожланиш йўналишлари қандай?», «Ривожланишни тўғри бошқариш учун нима қилиш керак?» — деган саволларга жавоб излайди. АҚШнинг келажаги, Японияннинг дунёдаги ўрни, Россиянинг ички ва ташқи ривожи, Ироқ ва Покистоннинг тангликдан чиқиш йўллари, Европа Иттифоқининг ягона стратегияси, халқаро молия, қишлоқ хўжалигидаги танглик ва миграция муаммолари муҳокама этилади.

100 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ЗАРУР

Оғир иқтисодий танглик туфайли Покистонга халқаро ҳамжамиятдан камида 100 млрд. доллар ёрдам зарур, деди мамлакат президенти Асиф Али Зардори «Уолл-стрит жорнэл» газетасига берган интервьюсида. Президент марказий банкнинг икки ойга етгулик пул захираси қолганини айтди.

Зардори бу моддий ёрдам «вақтинчалик бюджетга тушган юкни енгиллаштириш ва ғазнанинг сарф-харажатларини қоплаш учун» кераклигини ва Жаҳон банки кўрсатадиган беминнат ёрдам тангликни бартараф этолмаслигини таъкидлади. «Мен ўзим учун пул сўраётганим йўқ», — деди у.

Покистон раҳбари халқаро ҳамжамиятнинг ёрдамисиз мамлакатда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш, шунингдек, Афғонистон билан чегарадош тоғли ҳудудларда экстремистларга қарши кураш олиб бориш қийинлигини таъкидлади.

ЕВРОПА БИОЁНИЛҒИГА ҚАРШИ

Европалик депутатлар қайта ишлаб чиқариладиган энергия ресурслари дастурида биоёнилғи (биодизель, биоэтанол) ҳиссасини камайтириб, қуёш, шамол ва водород энергияси улушини кўпайтирмоқчи. Француз ОАВнинг ёзишича, айни вақтда ишлаб чиқарилган жами биоёнилғи 15 миллион тоннани ташкил этади.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти биоёнилғи унинг тарафдорлари мақтаганчалик афзалликларга эга эмаслигини маълум қилди. Мутахассислар бу ёнилғи таннархининг қимматлиги сабабли унинг фойдали эканига шубҳа билдирмоқда. Европа парламентининг саноат ва энергетика комиссияси 2020 йилга қадар қайта ишлаб чиқариладиган энергия манбаларининг транспорт воситалари ёнилғиси учун мўлжалланган қисмини 10 фоизга кўпайтириш ҳақида қарор қилди. Депутатларнинг бу қарорини Европага аъзо 27 давлат вакиллари ҳам қўллаб-қувватлади. Ҳозир европаликлар фойдаланадиган ёнилғининг 3 фоизи биоёнилғи ҳиссасига тўғри келади.

Тошкент молия институти жамоаси «Фалсафа» кафедраси доценти Тўра Норбоевга волидаи муҳтарамаси
Мопар момо ҒОЙИБНАЗАР қизининг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Metropol Property» масъулияти чекланган жамият жамоаси корхона ижрочи директори Абдуғафаров Акмал Иркиновичга волидаи муҳтарамаси
ҲАДИЧА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Упакпроммаш» масъулияти чекланган жамият жамоаси корхона бош директори Абдуғафаров Акмал Иркиновичга волидаи муҳтарамаси
ҲАДИЧА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти олий тоифали врач
Ғайбулло УБАЙДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

✓ Анжуман

12-17 октябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Тошкент либослар уйи ҳамкорлигида «Style.Uz» — мода ва дизайн ҳафталиги ўтказилади.

МОДА ВА ДИЗАЙН ҲАФТАЛИГИ

Мазкур ҳафталик учинчи бор ташкил этилиб, у нафақат юртимиз жамоатчилиги, балки хорижий мутахассисларнинг эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Унда ўтган йиллар мобайнида юртимизнинг иқтидорли ёшлари қатори Европа ва Осиё минтақаларининг таниқли дизайнерлари бу тадбирда фаол иштирок этишди. Бу йил ҳам мамлакатимизга Австрия, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Туркия, Исроил, Ҳиндистон, АҚШ, Швейцария, Япония, Хитойдан мода соҳасида ишлаётган йирик халқаро ташкилотлар ва телекомпаниялар вакиллари, таниқли дизайнерлар, машҳур заргарлик ва замонавий либослар уйлари эгалари, шоу-бизнес юлдузлари, халқаро мода журналлари муҳаррирлари, жамоат арбоблари ташриф буюриши кутилмоқда.

Ҳафталик доирасида таниқли ва ёш дизайнерларнинг кўргазмалари, эскиз ва суратлар танлови ўтказилади, шунингдек, иштирокчилар учун махсус семинар ва маҳорат дарслари ташкил этилади. Якуний дефеле — Миллий либослар фестифали эса Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лойиҳа янги номларни кашф этиш, ёш дизайнерлар учун имконият эшикларини очиш, соҳада халқаро алмашинувни ривожлантириш ҳамда ўзбек дизайнерларининг жаҳон подиумларига чиқишларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСИҚА ВА САНЪАТ ТАЪЛИМИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Қарор ва ижро

Андижонлик уста Абдумалик Мадраимовнинг номи мусиқа ихлосмандларига, хонандаю созандаларга яхши таниш. Қирқ йилдирки, уста миллий мусиқа созларини ясаш ва таъмирлаш билан шуғулланади. Мана шу даврдаги изланишлари, тарихни ўрганишлари натижасида «Ғижжаги Бобурий», «Дилрабо», «Дилнаво», «Хушнаво», «Мерос» деб номланган ажойиб созларни қайта тиклади ва яратди. Айни кунда устанинг миллий мусиқа асбоблари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирмаси фаолият кўрсатяпти, яхши ниятлар билан бошланган фабрика қурилиши ҳам ниҳоясига етяпти. Фирманинг нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда нуфузи ошаётгани боис узлуксиз буюртмалар тушаётир. Мутахассислар борасида ташвиш чекмаса ҳам бўлади — Абдумалик ака юздан ошиқ шогирдини қўли гул уста даражасига етказиб тарбиялаган.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Юртбошимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш асносида Андижон шаҳар ҳокимлиги устанинг корхонаси учун яна қўшимча ер майдони ажратди.

Бу ҳақда айни кунда пойтахтимизда давом этаётган болалар мусиқа ва санъат мактабларида машғулот ўтиш учун зарур бўлган мусиқа асбоблари, ускуналар ва ўқув жиҳозлари кўргазмасининг очилиш маросимида учрашганимизда Абдумалик аканинг ўзлари айтиб бердилар:

— Мустақиллик йилларида ҳунармандлар учун катта имкониятлар яратилди, бундан биз ҳам баҳрамандмиз. Президентимиз қарори туфайли эса ҳунаримизга эътибор янада кучайди. Миллий мусиқанинг бир жонкуяри сифатида яқин бир неча йил ичида мусиқа ва санъатимизнинг ривожланишини кўз олдимга келтиряпман...

Ўша куни кўргазмада иштирок этган Учтепа туманидаги 9-болалар мусиқа мактаби раҳбари Сайфиддин Ҳасанов ҳам яқин келажакдаги мусиқа мактаби синф хонасини кўз олдига келтирди. Очиғи, бунда унга кўргазмада намойиш этилаётган 30 турдаги халқ ва анъанавий, 30 турдаги

Европа мусиқа чолғу асбоблари, 10 турдаги мусиқа мактаби жиҳозлари, 14 турдаги тасвирий санъат жиҳозлари, 157 номдаги ўқув адабиётлари ёрдам берди.

— Назария синфидаги нота тахтасидан тортиб, ҳар бир ўқувчи учун алоҳида қўйилган стол-стулларгача, компьютерлар, дарсликлар мусиқа ва санъат турларини ўрганаётган болаларга энг яхши шароитларни яратиб, машғулотлар самарасини оширишга қаратилган, — дейди у. — Бугунги кўргазмага қўйилган миллий ва Ғарб мусиқа асбоблари тури, сифатини кўриб, тўғриси, ҳайратим ошди. Бир вақтлар бу созларни пулга топиб бўлмасди. Мусиқа мактабларидаги ҳаминқадар шароит туфайли ота-оналар ҳам мактаблардан анча узоқлашганди, ҳатто ўқувчи йиғиш муаммо бўлиб қолганди. Президентимиз Қарори аллақачон акс-садо берди — бугун мактабимизга болаларини етаклаб келаётган ота-оналар сони ортиб бораяпти. Мактабимиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бошланган — яқиндагина бир тўплам урма асбоблар, компьютерлар сотиб олдик.

Республика халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари вазирликлари ташкил этган ушбу кўргазма фақат намойиш ва томоша эмас, мусиқа ва санъат ускуналарининг сифати, бу борадаги таклиф мулоҳазалар ҳақида ишлаб чиқарувчи, ҳунарманд, ўқитувчи, мутахассисларнинг ўзаро мулоқотига ҳам айланди.

Кўргазмага қўйилган пианинода классик куйни маромига етказиб ижро этаётган ёқимтойгина қизалоқ — халқаро мукофот совриндори ва унга ҳавас билан тикилаётган бир гуруҳ болалар диққатимизни тортди. Кўзларида ҳавас ёнаётган бу ўғил-қизлар ҳам балким шундай катта мукофотларга сазовор бўлишар. Бироқ, бир нарса аниқ — мусиқа ва санъат уларнинг комил инсон бўлиб етишишларида албатта муҳим восита вазифасини бажаради.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

✓ Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги МҲСК ҳамда Пахтакор» Марказий стадионларида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.

Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси илк учрашувни сингапурлик тенгдошларига қарши ўтказишди. Унда ўсмирларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз еттита тўп йўллашди — 7:0. Учрашувда вакилларимиздан Абдумуталлиб Абдуллаев, Максим Уткин, Александр Галеевлар «дубл»га эришган бўлишса, яна бир тўп Аюбхон Ғаффоров ҳисобига ёзилди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Эрон ўсмирлар терма жамоаси бахрайнлик футболчиларни икки маротаба учрашувни майдон марказидан бошлашга мажбур қилди — 2:0.

Дастлабки турнинг қолган баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: **«В» гуруҳи.** Сурия — Индонезия — 2:1, Жанубий Корея — Ҳиндистон — 5:2. **«С» гуруҳи.** Хитой — Туркманистон — 2:1, Саудия Арабистони — Австралия — 1:3. **«Д» гуруҳи.** Япония — Малайзия — 4:0, Яман — Бирлашган Араб Амирликлари — 1:1.

Кеча гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур ўйинлари бошланди. Унда Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эрон футболчилари билан куч синашди. Ушбу ўйин ғолиби кейинги босқич йўлланмасини муддатидан илгари ҳал қиларди. Шу боис, бу учрашувга аввалдан қизиқиш кучли эди. Ниҳоятда кескин ва ҳужумкор рухда кечган мазкур ўйинда 1:2 ҳисоби қайд этилди.

Шунингдек, кеча мухлислар Бахрайн — Сингапур, Индонезия — Жанубий Корея (0:9), Ҳиндистон — Сурия ўсмирлар терма жамоалари учрашувларининг гувоҳи бўлдилар.

Осиё футболи келажаги кўриги ҳисобланган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн олти давлатидан келган энг кучли ўсмирлар терма жамоалари ғолиблик учун баҳс юритишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Осиё чемпионати қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

Алнаш Сами ХАСАН СОЛИҲ, Яман ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Ўзбекистон ҳақида аввал ҳам эшитгандим. Мамлакатингиз футболчиларининг халқаро майдонлардаги иштирокини кузатиб бораман. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал деганларидек, Осиё чемпионати баҳонасида юртингизни ўз кўзим билан кўрдим. Бир-биридан кўркам спорт иншоотлари, халқаро талаблар даражасидаги футбол майдонларини кўриб лол қолдим. Бу ерда болалар футболига берилаётган катта эътибор тўғрисида ўзбек ҳамкасбларимдан эшитиб, очиғи, ҳавасим келди.

Суфианто бин САЛЛЕҲ, Сингапур ўсмирлар терма жамоаси аъзоси:

— Аввало юртингизда бизни илиқ кутиб олганликлари учун раҳмат айтмоқчиман. Сингапур ва Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасида ўтган учрашувини кузатгандим. Ўшандаёқ бу ерда футболга эътибор ва муносабат бошқача эканлигини ҳис қилгандим. Тошкентга келгач эса тасаввурим янада кенгайди. Эшитишимизча, сизларда кўплаб болалар футбол академиялари бор экан. Дастлабки ўйинда ўзбекистонлик тенгдошларимизга 0:7 ҳисобида ютқазиб қўйдик. Агар бизда ҳам футболга Ўзбекистондагидек эътибор бўлганида, менимча, учрашувдаги натижа бундай хунук бўлмасди. Имкониятдан фойдаланиб, ўзбек ёшларига омад тилайман.

●●●

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа чорак финалга йўлланма олади. Ярим финалчилар эса келгуси йили ўсмирлар ўртасида Нигерияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Эркин ХОЛБОБО

СОРАНА КИРСТЕА — БОШ СОВРИН СОХИБАСИ

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида аёллар ўртасида бир ҳафта давом этган «Тошкент опен» анъанавий халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган ракетка усталари ғолиблик учун кортга чиқдилар.

Турнирнинг яккалик баҳслари ярим финалида мусобақанинг биринчи ракеткаси сифатида эътироф этилган хитойлик Шуаи Пенг устидан чиройли ғалаба қозонган Сабина Лицески (Германия) ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олганди — 5/7, 6/3, 6/4. Иккинчи финалчи номи эса руминиялик Сорана Кирстеа ҳамда Магдалена Рибарикова (Словакия)лар ўртасидаги учрашувдан сўнг аниқланиши лозим эди. Аммо ушбу баҳс охиригача давом этмади. Унда дастлабки сетни 6/3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган руминиялик теннисчи рақибаси Рибарикованинг жароҳати туфайли муддатидан олдин финал йўлланмасини нақд қилди.

Ўнинчи маротаба ўтказилган анъанавий халқаро турнир ҳал қилувчи баҳси ниҳоятда муросасиз кечди. Унда дастлабки сетни германиялик Сабина Лицески (6/2) ютиб олган бўлса-да, кейинги икки сетда чинакамига ирода намойиш эта олган Сорана Кирстеа (Руминия) рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 4/6, 6/7(4).

Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида барча рақибларидан устун келган Нина Братчикова (Россия)/Кэтрин Уоэрли (Германия) финалда Иоана Ралуса Олару (Руминия)/Ольга Савчук (Украина)лар жуфтлигини доғда қолдирди — 7/5, 5/7, 10/7.

М.АМИН (ЎзА) олган сурат

✓ Мини-футбол

ЖУРНАЛИСТЛАР ТУРНИРИ

Шу йилнинг 19-26 октябрь кунлари «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболини оммалаштиришга ҳисса қўшиш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти соврини учун Республика журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган анъанавий турнир ўтказилади.

Мамлакат оммавий ахборот воситалари жамоалари маскур мусобақада иштирок этиш истагини шу йилнинг 15 октябрига қадар ёзма равишда маълум қилишлари лозим.

Мусобақа низомига кўра, иштирокчи мазкур ижодий жамоада расман иш бошлаганига камида бир йил тўлган, 21 ёшдан кичик бўлмаган, илгари мамлакат футбол чемпионати олий ва биринчи лигаларида тўп сурмаган бўлиши шарт. Шунингдек, ижодий ходимнинг шахсини белгиловчи паспорти ҳамда гувоҳномасининг нусхалари илова сифатида тақдим этилади.

Ташкилий қўмита манзили: **Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67а-уй. Тел: 246-39-49, факс: 227-19-59.**

«Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти.

✓ Ҳимоя

НОҚОНУНИЙ ДИСКЛАР

йўқ қилинди, зарарсизлантирилди

Мамлакатимизда контрафакт, яъни сохталаштирилиб, тарқатилаётган маҳсулотларга чек қўйиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилган, Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилган. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ муаллиф билан шартнома тузмасдан асарлар, жумладан, кино, видеофильмлар, клиплар, фонограммаларни сотиш, ижарага бериш, алмаштириш, совға (ҳадя) қилиш ва бошқа ҳоллар қонунбузилиш ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг 66-моддасига биноан контрафакт маҳсулотларининг нусхалари мусодара этилиб, йўқ қилинади.

Яқинда Тошкент шаҳрида контрафакт маҳсулотларини йўқ қилишнинг навбатдаги акцияси ўтказилди. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг ташаббуси билан солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда ноқонунийлиги аниқланиб, суд қарорига асосан мусодара этилган 75 минг донадан зиёд CD, DVD, VCD дисклари ҳамда видеокассеталари жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди. Ушбу контрафакт маҳсулотлар пойтахтимизнинг Чилонзор, Миробод, Яккасарой ва Ҳамза туманларидаги «Нирвана» МЧЖ, «CD профи» фирма дўконлари ва бошқа савдо шоҳобчаларидан рейдлар пайтида қалбакилиги аниқланиб, мусодара қилинган. Биргина Яккасарой туманида «Нирвана» МЧЖнинг қонун талабларига зид равишда сотиш учун тайёрланган жами 71 млн. сўмлик 13 994 дона ҳар хил турдаги истеъмолга яроқсиз дисклари зарарсизлантирилди.

— Интеллектуал мулк дахлсиз ва унинг муҳофазаси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бош директори ўринбосари Бахтиёр Омонов. — Жорий йил агентликда муаллиф ва ижрочиларнинг ўн беш мингдан зиёд асарлар ахборотларини ўзида жамлаган электрон маълумотлар манбаи яратилди. Шу билан бирга, республика ишчи комиссияси фаолияти жадаллашганлиги, ҳатто вилоятлар миқёсини қамраб олганлиги сабабли контрафакт маҳсулотлари йўлига яна бир ишончли тўсиқ қўйилди.

Шаҳар бедарвоза эмас ва бу соҳада сохта, қалбаки маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ҳар қандай уринишларга бундан буён ҳам муросасиз кураш олиб борилади.

Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги матбуот котиби.

(Газетанинг навбатдаги сони 11 октябрь, шанба куни чиқади).